

ПСИХОЛОГИК ХИЗМАТ ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ

Тошкент Амалий Фанлар Университети
"Психология" кафедраси укувчиси

Илмий раҳбар: **Акбаралиева Асила Тожиддиновна**
Педагогика факултети Психология йоналиши
2- босқич талабаси: **Соибжоновна Муслима**

Аннотация: Уқувчиларнинг маънавий ва ақлий ривожланиши, фаол ижтимоий мослашуви ва узлуксиз таълим жараёнида ўзлигини англаши, индивидуал психологик хусусиятлари, шахсий имкониятлари ва қобилиятларини намоён этишлари учун психологик- педагогик шарт- шароитлар яратишдан иборат.

Калит сўзлари: Низом 1996- йили, эрамиздан олдинги давр мутафаккирлари, "Гайденс" хизмати, Ташхислаш хизмати, Ахборот хизмати, Каунслинг хизмати, Йўналтириш хизмати, Францияда мактаб психологик хизмати, Шарқий Европа мамлакатларида мактаб психологик хизмати, Хитойда психологик хизмат, Илмий нуқтайи назар, Ташвиқот нуқтайи назари, Хизматнинг амалий нуқтайи назари.

Психологик хизмат ҳақида Низом 1996- йили Халқ таълими Вазири томонидан тасдиқланган. 2001- йилда бу Низомга ўзгартириш киритилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори, 12.07.2019 йилдаги 577-сон

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 14 августдаги ПҚ-3907-сон қарори.

Психологик хизмат фани ҳақидаги дастлабки мушоҳадалар эрамиздан олдинги давр мутафаккирлари:

Фалес (эр.о. VII-VI асрлар),

Афлотун (эр.о. V-IV асрлар),

Анаксимон (эр.о. V аср),

Гераклит (эр.о. VI-V асрлар),

Демокрит (эр.о. V-IV асрлар),

Эпикур (эр.о. V-IV асрлар)

Суқрот (эр.о. V-IV аср)

Гален (эр.о. II аср) кабилар назарида ўша давр учун муайян маънода илмийлик кашф этган мулоҳазаларни алоҳида таъкидлаш жоиз.

Психологик хизмат АҚШ да 1800 йиллардан бошлаб ривожлана бошлаган:

АҚШ нинг биринчи амалиётчи психологлари ўз-ўзини тарбиялаш муаммосини ўрганган экспериментал психологлар эдилар.

Америка мактабларида ақлий тараққиёт коэффицентини аниқлаш кенг тарқалиб, «Гайденс» хизматининг ривожланишига олиб келди.

Француз мактаб психологиясининг отаси Альфред Бине бўлиб, у 1894 йилдан бошлаб иш бошлаган.

1905 йилда Франция таълим вазирлиги Бинегга умумий дастур бўйича ўқий олмайдиган болаларни текшириш муаммоси билан мурожаат қилади ва шу тариқа ақлий тараққиётда орқада қолган болаларни ажратадиган Бине-Симон тести яратилди.

“Гайденс” хизмати қуйидаги 4 та хизмат тармоғини ўз ичига олган:

1. **Ташхислаш хизмати** – бола ҳақидаги барча маълумотларни йиғиш, тизимлаштириш, баҳолаш ва ўрнатилган тартибда таҳлил қилиш.

2. **Ахборот хизмати** – ахборотларни умумлаштириш, таҳлил қилиш ва тегишли тартибдаги **мониторинг ишларини** юритиш.

3. **Каунслинг хизмати** – ўқувчи ва каунслер (маслаҳатчи) ўртасида ўзига хос психологик омиллар ва **шахс хулқ-атворидаги қонуниятлар** ҳамда ўзгаришлар бўйича **тавсияларни шакиллантириш**.

4. **Йўналтириш хизмати** – ўқувчиларни у ёки бу ўқув юртига ёки меҳнат ташкилотига ўз қобилиятига қараб йўналтириш.

Америкалик психологлар Бардон ва Беннет (Bardon J.L.Bennett D.G.School Psychology.-N.Y.,1974)

психологик хизматнинг қуйидаги функционал даражаларини белгилаб берадилар:

-Ўқувчиларни турли хил гуруҳларга бўлиб, муайян мақсадга йўналтирилган тестлардан ўтказиш;

- Ўқув ва хулқ-атворидаги нуқсонларни коррекция қилиш;

- Психик ривожланишни тўлақонли назорат қилиш бўйича психологик ёрдам кўрсатиш.

Францияда мактаб психологик хизмати:

1970 йилда Францияда психологик-педагогик бирдам гуруҳлари психологик хизматнинг асосий турини ташкил этади.

1990 йилдан гуруҳлар мактаб психологияси бўйича бир мутахассис, таълим психологияси бўйича бир мутахассис, психомотор ривожланиш бўйича бир мутахассисни ўз ичига олади.

Бундай бригада 800-1000 ўқувчига хизмат қилади, бир мактабда жойлашиб, бир неча мактабга хизмат қилиши мумкин

Шарқий Европа мамлакатларида мактаб психологик хизмати:

1980 йилда Чехославакияда тарбия масалалари бўйича модда мактаб тўғрисидаги қонунга киритилди.

Психологик хизматнинг асосий мазмуни - соғлом шахснинг ўсишини таъминлаш,

шахс ривожланишидаги турли қийинчиликларни коррекция қилиш, касб танлаш муаммоларидир.

Чехославакиядаги психолог маслаҳатчининг асосий функцияси психодиагност фаолиятдан иборатдир.

Хитойда психологик хизмат:

Хитойда психологик хизмат амалиёти билан асосан хх-асрнинг 80 йилларидан бошлаб шуғулланила бошланди.

Унда дастлаб таълим тизимида ўқувчиларнинг психологик жиҳатдан соғломлигига асосий урғу берилди.

Хитойда психологик хизмат, иккита концепция асосида амалга оширилмоқда. Биринчи концепция – ўқувчиларга психологик ёрдам бериш сифатида психотерапевтик имкониятлар кўлаמידан фойдаланиш (шифокорлар билан бирга)

иккинчи концепция-бу *ахлоқий, эстетик, хулқий жиҳатдан* муайян меъёрларга амал қилган ҳолда психологик ёрдам кўрсатишни ўз ичига олади.

Хитойда психологик хизмат муаммоси бўйича 2002 йилда олим Лю Сао Мин ўзининг “Мактабда психологик хизмат ва ўқувчиларнинг психик соғломлиги” (Хитой халқ республикаси материаллари асосида), деб номланган докторлик диссертациясида ПХнинг ташкил этилиш тарихи, бугунги ҳолати ва келажакдаги истиқболларини назарий-илмий ва амалий-татбиқий жиҳатдан батафсил асослаб беради.

Россияда 1988 йилда ХТВ томонидан мактаб амалиётчи психологлارининг ҳуқуқий- услубий ва ижтимоий мавқеи, мажбуриятларига дахлдор 5 та моделдан ташкил топган ҳужжатлар тасдиқланган.

Биринчи модел: психолог ўз хонаси доирасида ўқувчилар, ўқитувчилар ва ота-оналар билан иш олиб боради.

Иккинчи модел: ҳар бир ўқувчининг ўрганиш билан боғлиқ педагогик-психологик консилиумлар ташкил қилиб индивидуал хусусиятлари ва унинг ўқув малакаларини ўзлаштиришдаги салоҳиятини тегишли тавсияларни ишлаб чиқади.

Учинчи модел: ўқитувчилар ҳамда ўқувчилар билан мунтазам равишда семинарлар ва тренинглар олиб борилишини таъминлайди.

Тўртинчи модел: педагогнинг касбий фаолиятини психологик жиҳатдан такомиллаштириш.

Бешинчи модел: мустақил тарзда илмий-услугий ҳамда илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш талаб қилинади. Шунингдек, ҳар бир ўқувчи ёки ўқитувчи билан экспериментал ишлар, тажрибалар олиб борилиб, ушбу тажрибаларнинг натижалари таҳлил қилинади.

таҳлиллар асосида муайян даражадаги хулосалар ва амалий тавсиялар шакллантирилади.

1989 йилда Ўзбекистонда амалиётчи психологларнинг етишмаслиги сабабли Низомий номли ТДПУда амалиётчи психологлар тайёрлаш факультети очилди.

Ўзбекистонда психологик хизматнинг ривожланишида М.Г.Давлетшин, Э.Ф.Ғозиев, Б.Р.Қодиров, Г.Б.Шоумаров, В.М.Каримова, Ш.Р.Баратов, Э.Н.Саттаров, Ф.Исмагилова, З.Т.Нишанова, Н.С.Сафоев, Ф.И.Ҳайдаров, С.Х.Жалилова ва бошқалар хисса қўшганлар.

1998 йилда Ш.Р.Баратов "Таълим тизимида ва ишлаб чиқаришда психологик хизматни ташкил этишнинг психологик хусусиятлари" мавзусида докторлик диссертациясини ёқлаган.

Жамиятда-психологик хизмат кўрсатилишини таъминлаш:

- индивидуал психологик хизмат;
- ишлаб чиқариш ва меҳнат жамоаларига психологик хизмат;
- оилавий ҳаёт тизимида психологик хизмат;
- халқ таълими тизимида психологик хизмат;
- ички ишлар тизимида психологик хизмат;
- спорт ва соғломлаштириш тизимларида психологик хизмат;
- тиббиёт тизимида психологик хизмат;

Илмий нуқтайи назар - психологик хизматнинг методологик муаммоларини ишлаб чиқишни назарда тутди. Мактаб психологик хизматида ишнинг психодиагностик, психокоррекция ва ривожлантирувчи методларини ишлаб чиқиш ва назарий асослашга бағишланган илмий тадқиқотларни ўтказишдан иборат.

Ташвиқот нуқтайи назари- Бу йўналишда педагоглар, методистлар ва дидактлар асосий ҳаракатлантирувчи шахслар бўлиб майдонга чиқади.

Хизматнинг амалий нуқтайи назари- мактаб психологлари, уларнинг вазифаси — у ёки бу аниқ вазифани ҳал қилиш учун ота-оналар, ўқитувчилар, синф жамоаси, болалар билан иш олиб боришдан иборат.

Психологик хизматнинг мазмуни:

- психологик маърифат ва ташвиқот;
- психологик-педагогик ташхис;
- психологик профилактика;
- психологик коррекция;

психологик маслахат;
касб-хунарга йўналтириш

Психологик хизматнинг асосий вазифалари:

таълим муассасаларида ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш ишлари самарадорлигини ошириш;

ўқувчиларнинг қобилияти, лаёқати, қизиқишлари ҳамда касб-хунарга мойилликлари асосида касб-хунарни тўғри танлашларига кўмаклашиш;

ўқувчиларнинг шахсий, ақлий ва ижтимоий ривожланишини психологик жиҳатдан кузатиб бориш, таълим-тарбиядаги психологик нуқсонларни аниқлаш, уларнинг ақлий ривожланишида содир бўлиши мумкин бўлган ҳар қандай салбий оғишларнинг олдини олиш;

ўқувчилар ижтимоий муҳитига мослаша олмаслиги ҳолатларини коррекциялаш бўйича тадбирларни ташкил этиш ва амалга ошириш;

педагогик жамоаларда соғлом психологик муҳитни яратиш ва уларнинг психологик маданиятини юксалтириш;

истеъдодли ва иқтидорли ўқувчиларни аниқлаш, уларнинг қобилиятларини намоён этишлари ва ривожлантиришлари учун шарт-шароитлар яратиш;

ахборот-психологик хуружларнинг хавфи, Интернет жаҳон ахборот тармоғининг салбий таъсири, ёшлар тарбиясига хавф солаётган «оммавий маданият»нинг кириб келиши ҳолатларининг олдини олишга қаратилган тадбирларни ўтказиш;

педагог ходимлар, ўқувчилар ҳамда ота-оналарнинг психологик-педагогик билимларини оширишга кўмаклашиш, педагог ходимлар, ота-оналар ва жамоат ташкилотларининг самарали ҳамкорлигини таъминлаш.

Хулоса: Психологик хизмат фани шаклланишининг назарий-илмий методологик асослари умумий психология фани шаклланиши билан боғлиқ узоқ тарихий илдизларга бориб тақалади. Албатта, психологик хизмат фани дастлабки психологик тушунчаларнинг пайдо бўлиш ва ривожланиш давлари билан бевосита боғлиқдир. Ҳуқувчиларнинг маънавий ва ақлий ривожланиши, фаол ижтимоий мослашуви ва узлуксиз таълим жараёнида ўзлигини англаши, индивидуал психологик хусусиятлари, шахсий имкониятлари ва қобилиятларини намоён этишлари учун психологик-педагогик шарт-шароитлар яратишдан иборат.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Баротов.Ш.Р. Психологик хизмат: Магистрлар учун дарслик. – Т.: “Наврўз” нашриёти, 2018.